

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧАРИЕВ ХАЛИҚУЛ ШОНЎЗОВИЧ**

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА  
ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
On technical sciences**

**Чариев Халикул Шониёзович**

Автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини баҳолаш  
услугларини такомиллаштириш.....3

**Чариев Халикул Шониёзович**

Усовершенствование методов оценки качества услуг и безопасности на  
автомобильном транспорте.....28

**Chariev Khalikul Shoniyozovich**

Improvement of methods for assessing the quality of services and safety in road  
transport.....54

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧАРИЕВ ХАЛИҚУЛ ШОНЎЗОВИЧ**

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА  
ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.3.PhD /Г2421 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Саматов Гаффор Аллакулович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мухитдинов Акмал Анварович техника фанлари доктори, профессор Кульмухамедов Жасур Рафикович техника фанлари номзоди, профессор
Ётақчи ташкилот:	Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 18/30.12.2019.т.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 5 » 02 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99871) 293-57-54, e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (051 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси, 1 – уй. Тел.: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2022 йил « 21 » 01 кун тарқатилди.  
(2021 йил « 11 » 12 даги 10 рақамли реестер баённомаси).



А.А.Рискулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.М.Худойкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

А.А.Мухитдинов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда автомобиллаштириш даражасининг ошиши шароитларида, автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг самарали инновацион логистик технологияларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштириш етакчи масалалардан бири ҳисобланади. Автомобиль транспорти тизимининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича Калифорния алгоритмида сунъий идрокка асосланган ҳисоблаш натижалари масофадан 96% га аниқликда ўлчаш имкониятларини берган. Шу сабабли, автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлашда автоматик рақамлаштириш тизимлари ҳамда йўловчиларни хавфсиз ташиш жараёнларини назорат қилишда қўлланиладиган дастурий таъминот тизимларни яратиш талаб этилмоқда. Дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Сингапур, Япония, Жанубий Корея каби бошқа давлатларида йўловчилар оқимида сифатли транспорт хизматини кўрсатиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда автомобиль транспортдан фойдаланиш сифатини ошириш, ташиш жараёнларининг янги усуллари ва технологияларини такомиллаштириш, йўловчиларни ташиш сифати ва хавфсизлигини таъминлашда эконометрик моделлаштириш услубларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда автомобиль транспортида хизматлар сифатини баҳолаш тренд усулида назорат қилиш ва бошқариш учун тизимдаги ташиш элементларининг мувофиқлигини янги математик моделларини ишлаб чиқиш, шаҳар жамоат транспорти фаолиятининг сифат кўрсаткичлари ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш услубларини такомиллаштириш, мослик функцияси мезонини яратиш ҳамда уни автобуслар ва йўловчилар ҳаракати тизимини масофадан бошқаришнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада транспорт воситаларининг иш самарадорлиги ва ишончлилиқ кўрсаткичларини оширишга, сифат жиҳатидан такомиллашган автомобиль транспортида воситаларидан фойдаланишга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф–муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш<sup>1</sup>...» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан автомобиль транспорти тизимида йўловчиларни ташиш сифатини ошириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда интеллектуал ахборот тизимлари,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

эконометрик услублардан фойдаланган ҳолда шаҳар йўловчи транспортини бошқариш услубларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги (1999), “Йўл ҳаракати қоидалари” (2001), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги (2015) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4947-сон «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия-ресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини баҳолаш услубларини такомиллаштиришнинг моҳияти ва назарий-услубий жиҳатларининг илмий муаммоларига хориж олимларининг ишларида катта эътибор қаратилган. Жумладан, муаллифлардан Анкин Б.А., Большаков А.М., Вайншток М.А., Варелопуло Г.А., Гудун С.В., Гажинский А.М., Гудкова В.А., Дудаев Д.И., Залманова М.Е., Исаева Е.И., Кравченко Е.А., Капский Д.В., Лукинский В.С., Мун Э.Е., Миротин Л.Б., Смехов А.А., Санков В.Г., Сергеев В.И., Славина Ю.А., Цвиринько И.А. кабиларнинг илмий-тадқиқотларида замонавий инновацион фаолият ва уни бошқариш, автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш назарияси масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг кенг қамровли масалалари Азизов Қ.Х., Абдуллаев Б.И., Богдасаров А.М., Жўраев М.Н., Зияев К.З., Назаров А.А., Назаров К.М., Саматов Г.А., Ўроқов А.Х. ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқот этилган. Шу билан бирга қайд этиш жоизки ушбу тадқиқотларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва ҳаракат хавфсизлигининг ўзаро боғлиқлиги параметрларини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг десертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-20170926232 «Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеллектуал ҳамкорлигини шакллантириш ва қўллаш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

йўловчиларни ташиш жараёнида транспорт воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичларининг статистик – аналитик таҳлилининг амалга ошириш;

ерусти йўлчи транспорти фаолиятининг сифати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда интеллектуал ёндошувнинг илмий-методологик асосларини тадқиқ этиш;

шаҳар жамоат транспортида йўловчиларни ташиш сифати ва ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш услубларини ишлаб чиқиш;

шаҳар жамоат транспортида йўловчиларни ташиш сифати ва ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини прогнозлашни амалга ошириш услубини ишлаб чиқиш;

йўловчи ташувчи транспорт воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичлари самарадорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳри аҳолисига сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича корхона ҳамда ташкилотлар фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** шаҳар жамоат транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ техник, технологик ва ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида умумлаштириш ва гуруҳлаш, қиёсий ва динамик таҳлил, илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, статистик, эксперт баҳолаш ҳамда математик моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хизматлар сифатини ошириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун экспертлик тизимлари асосида шаҳар йўловчи автомобиль транспортининг мослик функцияси ишлаб чиқилган;

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобусларда ташилган йўловчилар сони ва йўналишлардаги автобусларнинг қатнов масофаси орасидаги корреляция боғланиш зичлиги (0,8416) ва ташилган йўловчилар сони билан йўналишдаги автобуслар томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони ўртасидаги хусусий корреляция коэффицентининг қиймати (0,5979) юқори эканлиги, ҳамда мультиколлинтарлик мавжуд эмаслиги (0,7 дан кичик) аниқланган;

кўп омилли эконометрик моделлаштириш асосида Тошкент шаҳридаги йўналишларда ташилаётган йўловчилар сонининг ўртача 4,28 фоизга ортиши, автобуслар томонидан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сонининг бир фоизга камайиши асосланган;

йўловчи ташувчи автомобил транспортида хизматлар сифати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг илмий-синов натижалари асосида

йўловчиларнинг транспорт воситасини кутиш вақти маршрут бўйича ўртача 27,2% га қисқартириш имконини бериши аниқланган;

мижозларнинг қониқиши ва хизматлар сифатининг ўзаро алоқадорлигини тренд график модели орқали, ташишлар ва хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш натижасида логистик боғланиш кўринишида энг кўп ўсиш даражаси хизматлар сифати ўзгаришининг 0,8-1,0 интервалида юз бериши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

шаҳар жамоат транспортда йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини мослик функцияси асосида қайта шакллантирилганлиги асосланган;

шаҳар жамоат транспортини бошқаришнинг истиқболли моделлари ахборот-бошқариш тизими асосида ишлаб чиқилган;

экспертлик баҳолаш тизимлари асосида йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг сифатини баҳолашда Тошкент шаҳарида йўловчиларни ташиш транспорти фаолияти кўрсаткичларининг маълумотлар базаси шакллантирилган;

сунъий нейрон тармоқлари асосида транспорт жараёнларини прогнозлаш ва Харрингтоннинг мақбуллик шкаласи қиймати аниқланган;

ташкилий – иқтисодий ишончлилиқнинг мажмуавий кўрсаткичини максимумга интилиш қонуниятлари ва механизмлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари автобус саройларининг маълумотларидан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти автомобиль транспортда хизматлар сифати ва хавфсизлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш, маршрутдаги ташиш жараёнини хусусиятлари, эҳтимолий шаклланишини ҳисобга олиш асосида ташиш кўрсаткичларини ишончлилигини ва хавфсизлик кўрсаткичларини бажарилишини эҳтимолий кафолатланганлиги таъминланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тажрибавий тадқиқотлар, замонавий услуб ва синов жиҳозлари орқали катта ҳажмли статистик маълумотлар олинган тажриба натижаларининг бошқа синов натижаларига мос келиши билан таъминланганлиги, математик – статистика усулларини қамраб олган модел ёрдамида қайта ишланган ҳамда тажриба, ҳисоб маълумотларининг қиёсий таҳлили ва уларнинг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Автомобиль транспортда хизматлар сифати ва хавфсизлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:



автомобиль транспортида йўловчилар ташиш хизматлари сифатини ошириш ва хавфсизликни таъминлашни баҳолайдиган кўрсаткичлар тизими “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тассаруфидаги 12-автобус саройи фаолиятига жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, 2021 йил 8 июльдаги 01/4-6-15/50-сон маълумотномаси). Натижада 2020 йил корхона фаолиятидан олинган самарадорлик 2021 йилга нисбатан 8,3 фоизга ошириш имконини берган.

шаҳар йўловчи автомобиль транспорти тизимида хизматлар сифатини ошириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган мослик функцияси “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тассаруфидаги 12-автобус саройи фаолиятига жорий қилинган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, 2021 йил 8 июльдаги 01/4-6-15/50-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида бир йўналишдаги жамоат транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун сарф этилган ҳаражатларни қоплаш муддати 1,6-2,05 йилни ташкил этиши имконини яратган.

хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг илмий-экспериментал натижалари “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тассаруфидаги 12-автобус саройи фаолиятига жорий қилинган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, 2021 йил 8 июльдаги 01/4-6-15/50-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида шаҳар жамоат транспорти томонидан хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш услубидан фойдаланиб, йўловчиларнинг транспорт воситасини кутиш вақтини маршрут бўйича ўртача 27,2% га қисқартиришга эришилган.

йўналишдаги жамоат транспортида хизматлар сифатини ошириш ҳамда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқ “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тассаруфидаги 12-автобус саройи фаолиятига жорий қилинган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, 2021 йил 8 июльдаги 01/4-6-15/50-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида битта йўналишда олинган фойдани 315,0 млн сўмга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 20 та, жумладан 5 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола чоп этилган. (4 таси маҳаллий ва 3 таси хорижий журналларда).

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб ва хулосалардан иборат бўлиб, 116 бетлик матнда баён этилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шаҳар йўловчи автомобиль транспортида хизматлар сифати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий – услубий асослари”** деб номланган биринчи бобда шаҳар жамоат транспорти хизматлари сифатини таъминлашнинг назарий-услубий жиҳатлари асосланган.

Хизматлар кўрсатишнинг сифат параметрлари йўловчиларнинг истеъмол хусусиятларига боғлиқ бўлган субъектив кўрсаткичлар ва мавжуд хизмат кўрсатиш стандартлари ҳамда ретроспектив маълумотларга асосланган миқдорий қийматларга боғлиқ бўлган объектив омиллар асосида баҳоланади.

Таҳлилларнинг кўрсатишига сифат кўрсаткичларини баҳолашда бир қанча қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасига хос бўлган асосий камчиликлар мавжуд: транспорт операторларининг мавжуд ва потенциал миқдорларнинг хоҳиш-истакларини, ҳаракат хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофаза этиш, ижтимоий ҳимоя ва коммуникативлик масалаларини эътиборга олмаслик ва бошқалар.


Йўловчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида ҳақиқий хизматлар сифатини баҳолаш диагностик таҳлилни амалга оширишга имкон беради холос. Бундай баҳолашнинг асосий камчилиги-потенциал йўловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва баҳолашлари эътиборга олинмаслигидир. Бундан ташқари, биринчидан респондентлар сонини танлашда камчиликка йўл қўйилса яъни репрезентативлик даражаси нотўғри аниқланган бўлса статистик хатоликлар келиб чиқади, иккинчидан респондентларнинг сифат тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари турлича бўлса кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шуларни эътиборга олиб, диссертацияда транспорт ташкилотининг амалий фаолиятида реал ва статистик (РС) йўл билан аниқланадиган сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ деб топилган.

Ҳозирги кунда хизматлар сифатини баҳолаш хусусида олимларнинг қарашлари турлича. Муаллифнинг фикрига кўра, субъектив ва объектив баҳолаш услубининг комбинацияси асосидаги РС усули нисбати аниқ ва мустаҳкам натижаларга эришиш имконини беради.

Мижозларнинг қониқиши ва хизматлар сифатини ўзаро алоқадорлиги Нориаки Хонгнинг тадқиқотларида тизимли равишда амалга оширилган бўлиб, унда ушбу боғлиқликнинг график модели ишлаб чиқилган (1а-рasm).

Аmmo ушбу ёндашув хизматлар сифатини баҳолашнинг рационаллигидан кўра юқори даражадаги субъективликни юзага келтиради. Бу ҳолат унинг масалан, шаҳар транспорт департаменти ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан амалиётда қўллашнинг қийинлаштиради. Шунинг учун омил белгилари ва мавжуд ҳамда потенциал йўловчиларнинг натижавий қониқиши белгилари сифатида шаҳар йўловчи автомобиль транспорти (ШҲАТ) хизматлар сифати орасидаги боғлиқликларнинг график интерпретациясини кўриш мумкин (1б-рasm).



**1-рasm. Йўловчиларнинг хизматлар сифатидан қониқиши даражасининг (боғлиқлигининг) график модели**

Йўловчиларнинг қониқиши ташишлар ва хизматлар кўрсатиш сифатининг ошиши натижасида логистик боғланиш кўринишида ошади, энг кўп ўсиш даражаси хизматлар сифати ўзгаришининг 0,6-0,9 интервалида юз беради. Сифат кўрсаткичи 1,0 дан юқори бўлганда қониқиш даражасини ошиши секинлашади, истеъмолчиларнинг қониқиш даражасининг кейинчалик ошиши чегараланган бўлади.

Ривожланган мамлакатларда мижозларнинг қониқиш даражаси (АҚШ ва Буюк Британияда) махсус методология бўйича аниқланади. Ушбу индекс мижозларнинг қониқиши бир соҳа учун аниқланиб, бошқа соҳалар билан солиштирилади. Мижозларнинг қониқиш индекси юз баллик шкала бўйича аниқланиб, онлайн анкета сўровлари натижаларига кўра бир йилда 26000 жавобдан иборат бўлади. Онлайн-анкетада мижозларнинг хизматлар сифатига бўлган эътирозлари ва кўрилган чоралари ҳам ўз аксини топади.

Муаллифнинг фикрича, хориж методологияси асосида қониқиш индексини аниқлашда айрим камчиликлар мавжуд бўлиб, унда йўловчиларнинг қониқиши ва уларга хизмат кўрсатиш орасидаги логистик боғланиш мавжудлиги тан олинмаган.

Транспорт хизматларининг сифати ташишларнинг сифат кўрсаткичлари тизими билан тавсифланади.

Улардан асосийлари куйидагилар:

ҳаракатланувчи таркибнинг тўлдирилиши; транспорт воситалари ҳаракатининг мунтазамлиги; йўловчиларнинг ҳаракатланиш учун сарфлайдиган вақти (алмашиб ўтиришсиз тўғридан-тўғри қатнаш имконияти); ҳаракатнинг хавфсизлиги; йўловчиларга маълумот бериш ва бошқалар.

Транспорт хизматлари кўрсатишнинг сифатини ўлчаш учун база бўлиб ўрнатилган ташишлар сифатининг меъёрлари тизими хизмат қилади.


Автомобиль транспортида сифат ва хавфсизлик параметрларининг ўзаро боғлиқлиги даражасини аниқлаш мақсадида муаллиф томонидан йўловчилар орасида сўровлар ўтказилди.

1-жадвал

Автомобиль транспортида хизматлар сифати ва ҳаракат хавфсизлиги параметрларининг ўзаро боғлиқлиги

Tr	Ҳаракат хавфсизлиги параметрлари	Транспорт хизмати сифати параметрлари									
		Йўловчилар оқимининг зичлиги (м/м <sup>2</sup> )	Автобуснинг босиб ўтган масофаси (км)	Автобуснинг тўлиқ айланиш вақти (км)	Автобуста хизмат кўрсатиш участкаси узунлиги (км)	Автобуснинг бекагда туриш вақти (мин)	Автобус ҳаракатининг участкадаги тезлиги (км/соат)	Автобуснинг иш унумдорлиги (йўлов/км)	Масофадан фойдаланиш коэффициенти	Сигимдан фойдаланиш коэффициенти	Автобуста АТТ (АТТО) дан фойдаланиш коэффициенти
		1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.	9.	10.
1.	ТВ ларининг ҳаракат миқдори (авт/соат)	-	+	+	-	-	+	+	+	-	-
2.	Пиёдалар ҳаракат миқдори (авт/соат)	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-
3.	Автобуслар ҳаракат жадаллиги (авт/соат)	+	+	+	+	+	+	+	+	+	-
4.	Йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти (авт/соат)	-	+	+	-	-	+	+	+	-	-
5.	Хавфли участка параметрлари (йўл қопламасининг ҳолати)	-	+	+	+	-	+	+	+	-	-
6.	Йўлнинг қатнов қисми кенглиги	-	+	+	-	-	+	+	-	-	-
7.	Йўл белгилари ва йўл чизиқлари	-	-	+	-	-	+	+	-	-	-
8.	Чорраҳада зиддиятли нукталар	-	+	+	+	-	+	+	-	-	-
9.	Светофор цикли	-	+	+	-	+	+	+	-	-	-

	давомийлиги										
10.	Пиёдалар ва йўловчилар аралаш ҳаракати	+	+	+	-	+	+	+	-	+	+
11.	Автобекатларда пиёдалар ҳаракат жадаллиги	-	-	-	-	+	-	-	-	+	+
12.	Ҳаракат таркиби. Транспорт оқимининг картограммаси	-	+	+	+	-	+	+	-	-	-
13.	Транспорт оқимининг тезлиги (км/соат)	+	+	+	-	-	+	+	-	-	-
14.	Транспорт оқимининг зичлиги (авт/км)	-	+	+	+	-	+	+	-	-	-



**2-расм. Автомобиль транспортида хизматлар сифати ва ҳаракат хавфсизлиги параметрларининг ўзаро боғлиқлиги**

Кўрилаётган масалада жами 140 та боғлиқлик мавжуд бўлиб, шундан 70 таси бир-бирига узвий боғланган. Яъни 50 фоиз сифат ва хавфсизлик (СХ) бир-бирига боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Сифат кўрсаткичларидан бири сифат коэффиценти  $K_k$  ҳисобланади, у қатнашнинг берилган назарий абсолют қулай шароитларда  $t_{кўчиш}^{сарф}$  қатнашга кетадиган вақт сарфлари катталигининг  $t_{кўчиш}^{амалдаги}$  реал шароитларда қатнашга кетадиган амалдаги вақт сарфларига нисбати билан аниқланади:

$$K_k = t_{кўчиш}^{сарф} / t_{кўчиш}^{амалдаги} \quad (1)$$

$\rho_{тр} = 2$  км/км<sup>2</sup>,  $v_c = 20$  км/соат,  $t_{мельёрный} = 5$  мин параметрларга эга бўлган назарий қулай шароитларда қатнашга кетадиган суткалик ўртача ҳисобий вақт қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$t_{кўчиш}^{сарф} = 12,25 \frac{3}{1,2} 0,17 \sqrt{F} \quad (2)$$


Бу ерда  $F$  – шаҳарнинг тузар жой (қурилган) майдони.

Тиғиз пайтларда қатнаш учун ҳисобий вақт худди шу тарзда, бироқ  $t_{н-}$  меъёрий = 3 мин тузатмани ҳисобга олиш билан аниқланади, (1) формуланинг биринчи ташкил этувчиси эса 11,75 қиймат билан алмаштирилади.

Йўловчиларни ташишнинг сифатини таъминлаш жараёнларини тадқиқ қилиш ва уларнинг ШЙАТ параметрлари билан ўзаро боғланишни аниқлашни IDEF0 функционал моделлаштириш услубиятини қўллаш билан амалга оширишни таклиф қилинган. ВР-Win замонавий дастурий таъминот ёрдамида жараённи технологик моделлаштириш ташишларнинг сифатини ошириш жараёнини кўргазмали тарзда ўрганиш имконини беради.

Муаллифнинг фикрича асосий жараённинг функционал моделини (ФМ) қуйидагича ифодалаш мумкин: «ШЙАТ тизимида йўловчиларни ташишнинг сифатини таъминлаш». Кўрсатилган жараённинг функционал моделини куришнинг мақсади ШЙАТ томонидан йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашдан иборатдир. Жараённи бошқариш ГОСТ лар, меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади, улар қаторига ГОСТ Р 51825 «Йўловчи автомобиль транспорти хизматлари. Умумий талаблар», ГОСТ Р 51006-96 «Транспорт хизматлари. Атамалар ва таърифлар», шунингдек ISO 9000 – 2015 сериядаги халқаро стандартлар ва бошқалар киради. Жараённи лойиҳалашни шаҳар ҳокимият органлари ва ШЙАТ ишлаб чиқариш-техник бўлинмаларининг мутахассислари сифат соҳасидаги мутахассислар билан биргаликда амалга ошириш кўзда тутилади. Мазкур ёндашув йўловчиларнинг талаблари ва ШЙАТ фаолият кўрсатишининг параметрлари тизими ўртасидаги ўзаро боғланишни аниқлаш имконини беради.

Ташишлар сифатини ошириш усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади (3-расм).



3-расм. Йўловчиларни ташиш сифатини ошириш усуллари

Йирик шаҳарларда транспорт воситаларини концентрацияси ошиб бормоқда, шу сабабли шаҳарлар аҳолиси шаҳар жамоат транспортига устуворлик беришига эътибор қаратмоқда. Бу масала бир қанча ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, техник-технологик муаммоларнинг ечимларини излашни тақозо этади, хусусан;

-жамоат транспорти учун алоҳида полосаларни очиш;

-йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) натижасида ШЙАТ нинг тўхтаб қолиш вақтини кескин қисқартириш;

-марказий диспетчерлик хизмати билан ЙҚХТЭ нинг муносабатларида янги регламентни шакллантириш;

-ўта хавфли участкаларда видео ва фотосуратга оладиган воситаларни ўрнатиш;

Ушбу масалаларнинг ечими - интеллектуал транспорт тизимларидан (ИТТ) фойдаланишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

ИТТ - бу ягона автоматлаштирилган тизим бўлиб, шаҳар ҳудудида транспорт масалаларини ечишга қаратилган.

Аҳолининг транспорт хизматлари сифати сифат коэффиценти орқали ( $k_c^{\phi}$ ) аниқланиб, берилган шароитларда ҳаракатланиш учун ҳисобланган вақт сарфининг ( $t_{\text{хар}}^{\phi}$ ) реал шароитларда ҳисобланган вақт сарфига ( $t_{\text{хар}}^{\phi}$ ) нисбати билан ўлчаш мумкин.

$$k_c^{\phi} = \frac{t_{\text{хар}}^{\phi}}{t_{\text{хар}}^{\phi}} ; \quad (3)$$

Бугунги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг маълумотлари ва муаллиф тадқиқотлари натижаларига мувофиқ Тошкент шаҳрида йўловчининг шаҳар тармоғидаги бир ҳаракатига тўғри келадиган ўртача вақт сарфи ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Шаҳар йўловчи автомобиль транспорти фаолиятининг сифат кўрсаткичларини таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида йўловчилар ташиш тизимининг асосий тушунчалари ва сифат кўрсаткичлари келтириб таҳлил этилган. Йўловчилар ташиш жараёнини тадқиқ қилишда автомобиль транспортининг зарур бўлган айрим асосий кўрсаткичлари ва тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш тадқиқотнинг тизимлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан амалга оширилган.

Маълумки ҳозирги кунларда ташиш жараёнларини характерловчи параметрлар ва моделлар ўртачалаштирилган кўрсаткичлар воситасида ифода этилиб, бунда параметрларни шаклланишини тасодифий табиати ва уларнинг қийматларини тебраниши ҳисобга олинмаяпти. Бундай ёндашув модернизациялаш шароитида вужудга келган талабларга, яъни истеъмолчини эҳтиёжини энг кам харажатлар ва захиралар ҳажмида тезкорлик билан таъминлаш тамойилларига мос келмай қолди.

ШЙАТ фаолиятини тавсифловчи айрим кўрсаткичларни ифодалашда ушбу талаблар инобатга олинган.

Қатор йиллар давомида экспериментал кузатув натижаларининг математик қонуниятларга мос келиши текширилганда кўча-йўл

тармоқларидаги ҳаракат миқдорини ўзгариши, транспорт воситаларининг вақт бирлигидаги оралиқ масофаларини ўзгариши турли йўл шароитларида нормал, логарифмик нормал, Пуассон, кўрсаткичли ёки Пирсон тақсимотига мос келиши аниқланди.

Танланманинг қийматларини Пирсоннинг мувофиқлик мезони бўйича нормал тақсимотга мос келиши текширилган.

Танланма тезлиги  $\omega = x_{\max} - x_{\min} = 68 - 14 = 54$  ҳар бир интервал узунлигини  $b = \frac{54}{27} = 2$  деб олган танланма ҳажми  $n=55$  га тенг

Нормал тақсимотнинг ўрта қиймати ва ўртача квадратик четланишининг баҳоларини танланма бўйича топилган.


$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i; \quad \bar{X} = \frac{55 + 50 + 14 + 18 + 20 + 20 + \dots + 60 + 58}{55} \approx 30,4$$

$$S = \sqrt{\frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})^2}; \quad S = \sqrt{\frac{1}{55-1} [(55-30,4)^2 + (50-30,4)^2 + \dots + (58-30,4)^2]} \approx 15,37$$

Нормал тақсимот зичлиги функцияси, кўрсаткичли тақсимот зичлиги функцияси ҳам худди юқорида кўрсатилгандек амалга оширилади.

Мезоннинг эмпирик қиймати  $\chi^2_{эм} = \sum_{i=1}^s \frac{(n_i - np_i)^2}{np_i}$  статистика бўйича топилган.

(Охирги устун элементлари йиғиндиси)  
 $\chi^2_{эм} = 0,0227 + 42,132 + 45,514 = 87,668$  Бу ерда  $p=1-\alpha=1-0,05=0,95$  ва  $m=r-l-1=5-2-1=2$ , ( $\alpha=0,05$  ва  $m=2$ ) га мос мезоннинг критик қиймати берилган  $\chi^2_{0,05}(2) = 6$ ,  $\chi^2_{эм} < \chi^2_{критик} \Rightarrow (6 < 87,668)$  демак  $H_0$  гипотеза қабул қилинмайди, яъни тажриба натижалари логарифмик нормал тақсимотга мос келмайди (4-расм).



**4-расм. Мувофиқлик мезони бўйича тақсимот графиги**

Республикада йўловчи ташиш транспортининг сифати ва самарадорлигин баҳолаш орқали йўловчи ташиш транспортига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва қисқа ҳамда узоқ муддатли даврларда уларнинг прогнозлаш учун кўп омилли эконометрик моделларни тузиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Тадқиқот мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кўп омилли эконометрик моделга қуйидаги параметрлар танлаб олинди:



нативавий омил сифатида йўналишлардаги автобусларда ташилган йўловчилар сони, минг киши, ( $Y$ ), таъсир этувчи омилларга эса – автобусларнинг қатнов масофаси, минг км, ( $X_1$ ), йўл-транспорт ҳодисалари сони, ( $X_2$ ). Кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган маълумотларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлигидан келиб чиқиб, уларни логарифмлаймиз ва омиллар бўйича тавсифий статистик таҳлилни ўтказамиз ( $\ln Y$  - йўналишлардаги автобусларда ташилган йўловчилар сони,  $\ln X_1$  - автобусларнинг қатнов масофаси,  $\ln X_2$  - йўл-транспорт ҳодисалари сони). Бунинг сабаби шундаки, барча омиллар бўйича тақсимотлар нормал тақсимотга бўйсунушлари мақсадга мувофиқ. Агар нормал тақсимотга бўйсунмаса, у ҳолда эгри чизиқли (парабола, гиперболо, логарифмик ва бошқалар) эконометрик моделларга мурожаат қилишга тўғри келади.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сонига таъсир этувчи омиллар бўйича ўтказилган тавсифий статистика натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли ҳаракат воситаларида ташилган йўловчилар сонига таъсир этувчи омиллар бўйича тавсифий статистика

	LN $Y$	LN $X_1$	LN $X_2$
Mean (ўртача)	11.26338	11.55098	3.596175
Median (медиана)	11.36736	11.56949	3.583519
Maximum (максимум)	12.13889	11.70120	3.988984
Minimum (минимум)	10.25603	11.24511	2.890372
Std. Dev. (стандарт четланиш)	0.573909	0.107240	0.276367
Skewness (асимметрия)	-0.169998	-1.011532	-0.788896
Kurtosis (эксцесс)	1.876718	4.128483	3.245500
Jarque-Bera (Жак-Бера)	1.205190	4.695478	2.230985
Probability (эҳтимоллик)	0.547389	0.095585	0.327754
Sum (йиғинди)	236.5310	242.5707	75.51968
SumSq. Dev. (стандарт четланиш йиғиндиси)	6.587428	0.230007	1.527577
Observations (кузатувлар)	21	21	21

Нативавий омилнинг нормал тақсимотга бўйсунуши ҳисобланган параметрлар ва мезонлар томонидан тасдиқланмоқда, яъни ҳисобланган Жак-Бера коэффиценти 5,59 га тенг ва унинг эҳтимоллиги (probability) 0,05 дан кичик (prob=0.042890).

Юқорида келтирилган омиллар ўртасида боғланишлардан ташқари 2-жадвалда жуфт корреляция коэффицентлари ҳам мавжуд бўлиб, улар таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_1$  ва  $\ln X_2$ ) ўртасида боғланиш зичликларини кўрсатади. 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш зичликлари 0,7 дан катта эмас экан, яъни  $\ln X_1$  ва  $\ln X_2$  ўртасида

боғланиш 0.4575 га тенг. Корреляцион матрицадаги жуфт корреляция коэффициентлари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас.

Ҳар бир корреляция коэффициентининг пастки қисмида Стъюдентнинг  $t$ -мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги келтирилган. Омиллар ўртасида ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан катта бўлмаслик шарти қўйилади. Масалан, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони ( $\ln Y$ ) ва йўналишлардаги автобусларнинг қатнов масофаси ( $\ln X_1$ ) ўртасида хусусий корреляция коэффициенти  $r_{\ln Y, \ln X_1} = 0,8416$ ,  $t = 6,8087$  ва  $\text{prob.} = 0,0002$  га тенг. Бу эса мазкур икки омил ўртасида зич боғланиш борлигини, хусусий корреляция коэффициенти ишончли эканлиги ва 95 фоиз аниқликда икки омил ўртасида мусбат боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони ( $\ln Y$ ) ва йўналишлардаги автобусларнинг қатнов масофаси ( $\ln X_1$ ) ўртасида боғланиш зичлиги 0,8416 га тенг. Бу эса йўналишлардаги автобусларда ташилган йўловчилар сони ва йўналишлардаги автобусларнинг қатнов масофаси ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Худди шунингдек, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони ( $\ln Y$ ) билан йўналишлардаги автобуслар томонидан содир этиладиган йўл-транспорт ходисалари сони ( $\ln X_2$ ) ўртасида ўртача тесқари алоқа мавжуд экан, яъни улар ўртасидаги хусусий корреляция коэффициентининг қиймати -0,5979 тенг экан.

Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модель куйидаги кўринишга эга:

$$\ln y = \ln a_0 + a_1 \ln x_1 + a_2 \ln x_2 + \dots + a_n \ln x_n + \varepsilon, \quad (4)$$

бу ерда  $\ln y$  – натижавий омилнинг логарифмланган қийматлари,  $\ln x_i$  – таъсир этувчи омилларнинг логарифмланган қийматлари,  $\varepsilon$  – тасодиқий хато.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблашда EViews дастуридан фойдаланилди. Ҳисоб-китоблар бўйича натижалар куйидаги 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

**“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони бўйича ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель параметрлари**

Dependent Variable:  $\ln Y$ , Method: Least Squares, Date: 11/25/21 Time: 23:15

Sample: 2000 2020, Included observations: 21

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LN X1	4.279309	0.957177	4.470762	0.0003

LN <sub>X2</sub>	-1.170846	0.371417	-3.152379	0.0055
C	-33.95628	10.51288	-3.229969	0.0046
R-squared	0.844731	Mean dependent var		11.26338
Adjusted R-squared	0.794146	S.D. dependent var		0.573909
S.E. of regression	0.408184	Akaike info criterion		1.177365
Sumsquaredresid	2.999051	Schwarz criterion		1.326582
Loglikelihood	-9.362330	Hannan-Quinn criter.		1.209749
F-statistic	107.6854	Durbin-Watson stat		1.911567
Prob(F-statistic)	0.000000			

3-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони бўйича кўп омилли эконометрик моделнинг аналитик кўринишда ифодалаймиз:

$$\ln \hat{Y} = -33,9563 + 4,2793 \ln X_1 - 1,1708 \ln X_2 \quad (5)$$

(10.513)      (0.9572)      (0.3714)

(думалоқ қавсдаги қийматлар ҳар бир омилнинг стандарт хатосини кўрсатади).

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрида йўналишлардаги автобусларнинг қатнов масофаси ( $\ln X_1$ ) ўртача бир фоизга ортса, Тошкент шаҳрида йўналишлардаги автобусларда ташилган йўловчилар сони ( $\ln Y$ ) ўртача 4,2793 фоизга ортар экан. Тошкент шаҳрида йўналишлардаги автобуслар томонидан содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисалари сони ( $\ln X_2$ ) ўртача бир фоизга ортса, Тошкент шаҳрида йўналишлардаги автобусларда ташилган йўловчилар сони ( $\ln Y$ ) ўртача 1,0076 фоизга камаяр экан.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (4) сифатини текшириш учун детерминация коэффицентини текшираимиз. Детерминация коэффиценти натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳисобланган детерминация коэффиценти ( $R^2$  - R-squared (3-жадвал)) 0,8447 га тенг. Бу эса “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сонининг ( $\ln Y$ ) 84,47 фоизи (4) кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда. Қолган 15,53 фоизи (100,0-84,47) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлигини кўрсатмоқда.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автобус саройларига тегишли автобусларда ташилган йўловчилар сони бўйича тузилган (4) кўп омилли эконометрик моделдаги омилларнинг стандарт хатоликларининг ҳам кичик қийматларни қабул қилганлиги ҳам моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Муаллиф тамонидан ташиш жараёнининг элементар сифат кўрсаткичлари шаклланишининг эҳтимолий табиати ва назарий тақсимланиш

конуниятлари, тақсимланиш конунлари билан ифодаланувчи тасодифий катталикларни моделлаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Шаҳар йўловчи автомобиль транспорти фаолиятининг сифат кўрсаткичлари ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш услубларини такомиллаштириш”** деб номланиб, унда ШЖТ тизимининг ташкилий – ишлаб чиқариш тузилмаларини лойиҳалаштириш услубияти ҳамда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ автобусларида йўловчиларни ташиш сифати ва хавфсизлигини прогноз кўрсаткичларини аниқлаш амалга оширилган.

Логистик тизимга максимал ишончлилиқни кафолатловчи ташкилий – ишлаб чиқариш тузилмаларини танлашда  $Q_j$  ва  $\Pi_i$  ларнинг (Йўловчилар сони ва йўловчилар айланмаси) мажмуавий ҳолда ҳисобга олиниши, фақатгина келишилган ечим асосида бўлиши мумкин. Бу ҳолатда, лойиҳаланаётган тизимга ташкилий – технологик ишончилиқини қандайдир максимал мажмуавий кўрсаткичини ( $P_T$ ) ни (масалан, унумдорлик) таъминловчи, тузилманинг лойиҳавий вариантини танлаш лозим. Бунда локал  $Q_j$  ( $j=1, m$ ) ва  $\Pi_i$  ( $i=1, n$ ) кўрсаткичларнинг ҳар бирига, уларнинг рационал қийматларини режалаштириш мумкин.

Мамлакатимизда ва хориждаги ушбу масала юзасининг илмий изланишлар натижаларининг таҳлили бизга шуни кўрсатдики, транспорт фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, сифатини баҳолаш ва хулосалар қабул қилиш учун умумлаштирилган таъсирни куришнинг энг қулай услубларидан бири Харрингтоннинг “умумлаштирилган мақбуллик функцияси” ҳисобланади.

Умумлаштирилган функцияни куриш заминида табиий қийматларни, мақбуллик ва афзалликларнинг ўлчовсиз шкалаларга айрим таъсирларни қайта шакллантириш ғояси ётади.

Агарда ташкилий – технологик ишончилиқнинг минимал қиймати сифатида  $r_{ji}=0$  ни, ва максимал қиймати сифатида  $r_{ji}=1$  ни қабул қилсак, юқорида қайд этиб ўтилган шартлар қуйидагича ёзилади:

$$0 \leq r_{ji} \leq 1 \quad (6)$$

(6) шарт Гомперц эгри чизикларидан бири, ҳамда Харрингтоннинг “мақбуллик функцияси” билан қониқтирилади:

$$r_{ji} = \exp^{-\exp^{-y_{ji}}} \quad \text{ёки} \quad r_{ji} = \exp^{-\exp^{(-y_{ji})}} \quad (7)$$

Бу ерда:  $r_{ji}$  – локал кўрсаткичлар ( $Q_j$  ва  $\Pi_i$ лар) нинг ташкилий – иқтисодий ишончилиқини миқдоран тавсифловчи, хусусий кўрсаткич;  $Y_{ji}$  –  $Q_j$  ва  $\Pi_i$  локал кўрсаткичлари натурал қийматларининг ўлчамсиз қийматлари;  $\max P_T^*$  кировчи интервални топиб, логистик тизим ташкилий – техникавий тузилмасининг биргалиқда фаолият юритишни танланган вариантга, миқдор тавсифидан ташқари, сифат тавсифини ҳам берамиз.

Ушбу усулнинг айнан адекватлиқини исботлаш учун “мақбуллик” шкаласини қайта шакллантириш муаммосини ўлчашлар назариясига тақдим этиш масаласи сифатида кўриб чиқиш етарли.

Харрингтон функциясида хатоликлар ўлчовининг дисперцияси  
 $d = \exp(-\exp(-y))$  (8)

$y=0$  да  $d=1/e=0,37$ , яъни «нол», «ёмон» ва «қониқарли» сифат ўртасидаги чегарага мувофиқ келади.

#### 4-жадвал

#### Автомобилларнинг фойдали йўл босиб ўтиш коэффициентининг статистик тақсимланишини адекватлик кўрсаткичи.


Баҳолаш гуруҳлари	$Y_{min}$	$Y_{max}$	$\Delta$	$\pm r$	$2r$	$f$
«ёмон»	0,56	0,68	0,12	0,066	0,132	1,03
«қониқарли»	0,68	0,76	0,08	0,013	0,026	0,30
«яхши»	0,76	0,83	0,07	0,020	0,040	0,57
«жуда» «яхши»	0,83	0,95	0,12	0,043	0,086	0,66

Биринчи кўрсаткичларнинг максимал ва минимал бўлишига имконияти бор қийматларини статистик маълумотларини маълум тизимга келтириб, уларнинг истиқболларини аниқлаш орқали олиш мумкин.

Тошкент шаҳар Транспорт бошқармасининг маълумотларига кўра, 2020 йилнинг август-сентябрида «АвтоТрекер» ахборот дастурий мажмуасини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Тошкент шаҳрида №58 «Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Экскаватор заводи АШБ» ана шундай маршрут бўлиб ҳисобланади.

GPS ва ГЛОНАСС мониторинг тизимлари ШЖТда ташиш жараёнларининг кўп функцияли интеллектуал назорат-навигация мажмуаси ҳисобланади, GPS ва ГЛОНАСС сунъий йўлдошли навигация тизимлари ёрдамида транспорт воситаларининг жойлашган жойини реал вақт режимида назорат қилиш, уларнинг асосий узеллари ва агрегатларини назорат қилиш, дастурлаштирилган ҳаракатлар воситасида маълум бир воқеа-ҳодисаларни автоматик тарзда мониторинг қилишни амалга ошириш, GSM стандартидаги мобил алоқа воситасида масофадан бошқариш ва ахборот алмашилишини амалга ошириш имконини беради.

2019 йилда Услугият жорий қилингандан кейин – 2020 йил – маълумотлари ўзаро солиштирма тарзда Тошкент шаҳар №58 автобус маршрутининг участкалари бўйича йўловчиларнинг автобусни кутиш вақтининг қанчага қисқарганлиги аниқланди.



5-расм. Йўловчилар оқимининг сутка соатлари бўйича ўзгариш диаграммаси(тўғри ва қайтиш йўналиши)

Шаҳар жамоат транспорти тизимининг фаолият кўрсатиш сифатини баҳолашнинг экспертлик тизимини шакллантириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқилди. Танлаб олинган 10 та кўрсаткичдан ташкил топган жамланма олинган қийматларига “«аъло»”, «яхши», “«қониқарли»”, “«қониқарсиз»” баҳолари нисбатланди.

Илмий-экспериментал тизимнинг (ИЭТ) натижаловчи кўрсаткичи сифатида “Такдим қилинадиган хизматларнинг сифат даражаси” кўрсаткичи танланди. Экспертлик тизимининг иш босқичларини визуаллаштириш учун **MatLab** тизимидан фойдаланилди.


“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ автобусларида йўловчиларни ташиш сифати ва хавфсизлиги прогноз кўрсаткичларини аниқлаш амалга оширилди.

